

Шахс экологик маданияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари

ф.ф.н., доц. Амонлаев А
ф.ф.н., доц. Кистаубоев С
ЖДПИ тарих факультети
ўқитувчилари

Аннотация: Мақолада шахс экологик маданиятининг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган. Шунингдек, шахс экологик онги, моддий ва маънавий маданияти даражаси, унинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий фаолияти таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: шахс экологик онги, экологик маданият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар, экологик дунёқараш, табиатни муҳофаза қилиш.

Аннотация: В статье рассматривается формирование экологической культуры личности и ее особенности, анализируется уровень экологической сознательности, материальной и духовной культуры личности, ее практическая деятельность в области охраны природы.

Ключевые слова: экологическое сознание человека, экологическая культура, взаимоотношения человека и природы, экологическое мировоззрение, охрана природы.

Annotation: The article describes the formation of the ecological culture of the individual and its specific features. It also analyzes the level of ecological consciousness, material and spiritual culture of the individual, his practical activities in the field of nature protection.

Keywords: ecological consciousness of the person, ecological culture, the relationship between man and nature, ecological worldview, nature conservation.

Шахс экологик онги, моддий ва маънавий маданияти даражаси, унинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги амалий фаолияти, эмоционал ҳис-туйғулари, фаоллиги ва масъулияти – жамият реал экологик воқелигидан

келиб чиққан ва уни ифодалайдиган дунёқараш шакллариининг маънавий-маданий асосларини ривожлантириш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Шунга мос тарзда жамият тарихининг илк босқичларидан бошлаб ҳозиргача инсон экологик дунёқарашига қадриятий муносабат икки типга ажратиб келинган. Биринчиси – антропоген фаолият натижасида ўзгартирилган моддий борлиқга, табиат нарса ва ҳодисаларини биосфера экологик мувозанати қонунларига, инсон эҳтиёжлари ва манфаатларига мос табиий атроф-муҳит муҳофазасига қадрият мақомидаги муносабат. Бунга шахс ва жамият ижтимоий-экологик муносабатлари доирасига тортилган табиатни муҳофаза қилишнинг техник-технологик, ташкилий фаолиятлари киради ва улар моддий экологик қадриятлар сифатида эътироф қилинган.

Иккинчиси – инсон экологик ёки антиэкологик фаолиятини баҳолаш мезонлари ва усуллари-воситалари мажмуасини ташкил қилган маънавий экологик қадриятлардир. Улар ижтимоий онг шакллариининг норматив-баҳолаш функциясини: тасаввурлар, мақсадлар, идеаллар, лойиҳалар, таъқиқлар, талаблар, мажбуриятлар, баҳолар, йўл-йўриқлар, кўрсатмалар бўлиб инсон экологик фаолияти мўлжалларини, истиқболларини белгилашга хизмат қилади.

Тарихдан маълумки, қадимги Шарқ цивилизацияларида амал қилган экологик қадриятлар тизими минг йиллар мобайнида, деярли ўзгаришсиз қолган. Бунинг устига экологик дунёқарашлар таркибида диний мотивлар устуворлик қилган. Масалан, Қадимги Ҳиндистон ва Хитой фалсафий таълимотларида қадимий динларнинг анимизм ва аниматизм хусусиятлари, дунёвий динларда зардўштийлик таълимоти устувор аҳамиятга эга бўлган.

Масаланинг моҳиятидан келиб чиқсак, шахс ёки жамиятнинг экологик маданияти ҳам, уларнинг экологик дунёқарашини ҳам, ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онг тизимларининг ўзаро алоқадорлигида шаклланиши маълум бўлади. Бу масалада йирик рус маданиятшуноси М.С.Каган: “Маданият – ижтимоий борлиқнинг тизимлашган шакли бўлиб, бу тизим моҳиятини англамай туриб, маданиятга оид таркибий таҳлиллар тугал бўлмайди. Фақат

маданият тушунчаси мазмунини: “табиат”, “жамият”, “инсон” тушунчалари контекстида қараш орқалигина амалга оширилган таҳлил тугал бўлади деган хулосага келган. Унинг фикрича “табиат - жамият - инсон - маданият” ҳақиқатда ҳам ўзига хос тизим бўлиб, уларнинг асосий компонентлари функцияларини ажратиб кўрсатувчи мезондир”. [1:24]

Маълумки, маданият жамият ҳаётининг барча ҳамма соҳаларига (шу жумладан экология соҳасига ҳам) дахлдордир. Тадқиқотчилар инсон маънавий ва амалий фаолиятининг муайян соҳаларини экологик маданият билан боғлайдилар. “Умумий ва ўзаро боғланиш ҳамда ривожланиш диалектикасининг ғоят муҳим принципларини тушуниш заминидagina экологик маданиятни ривожлантириш ва такомиллаштириш мумкин”. [2:32]

Ер юзидаги ҳозирги экологик вазият турли маданиятларда табиат муҳофазасига муносабатнинг қандайлигини ўрганиш масаласини долзарб вазифа даражасига кўтарди. Умуман олганда, "маданият" (культура) термини дастлаб ерга, моддий нарсаларга ишлов беришни англатганлиги боис, бу тушунча мазмунида экологик ижтимоий фаолият акс этишини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Шу маънода инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни гармоник ташкил этиш учун, барча типдаги маданиятлар мазмунидаги экологик қадриятлардан унумли фойдаланишни таълим ва тарбия тизимларининг муҳим вазифаси қаторига кириши лозим. Бу, бир томондан, дунё халқлари экологик маданиятлари ривожига, интеграциясига ва дунёқараши трансформациясига ҳисса қўшса, иккинчи томондан, глобал ва кескинлашаётган экологик вазиятни юмшашига, пировардида унинг ечимига олиб келади.

Умуман маданият тизимида экологик маданият, бир томондан, ижтимоий фаолиятининг маҳсули, натижаси бўлса, иккинчи томондан, шахс дунёқараши сифатида бу фаолиятни ривожлантиришнинг асосидир.

Экологик маданият, тор маънода, инсоннинг табиат билан бирлигини тиклашга қайтишдан иборат. Бу жараёнда, маънавий маданиятнинг барча

соҳалари катта роль ўйнайди. Ҳар қандай жамиятнинг ривожланиш даражаси ва типи, инсон ва табиий муҳит ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришда намоён бўлади. Бу эса кишилар дунёқарашида табиатга нисбатан: яхшилик, эзгулик, ижобийлик, прогрессивлик ва шу каби каби этикологик тасаввурлар объектини ҳам тубдан ўзгартиришни тақазо этади. Шу нуқтаи назардан “экологик маданият – бошқа барча ижтимоий тизимлар сингари диалектика қонунлари асосида ривожланади, унда ҳам янги – прогрессив ва эски – регрессив ҳодисалар мавжуд бўлиб, улар ўртасида доимий кураш кетади. Демак, экология янги ва эски, ижобий ва салбий, фойдали ва зарарли ҳодиса ҳамда воқеликларнинг мунтазам алмашиб туриш объектидир”. [3:65]

Умуман, шахс экологик маданияти ва дунёқарашидаги ўзаро нисбат, фарқ ва тафовутларга қарамай, бу икки тушунчани шакллантиришда кишилар руҳияти ва жамиятда етилган ижтимоий-экологик мақсад, эҳтиёж, масъулият, мажбурият белгиловчи аҳамиятга эгаллигини В.О.Левинская куйидагича асослайди: “Экологик маданият – бу табиат неъматларини ўзлаштиришга оқилона ижодий ёндашув бўлиб, ушбу жараёнда экологик қадриятларни яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишга масъулиятли муносабат юзага келади”. [4:11]

Ўз вақтида тадқиқотчилардан Э.Ж.Икромов, А.А.Хотамовлар ҳам эътиборни шахс экологик маданиятини шакллантиришнинг педагогик-дидактик асосларига қаратишган эди. Яъни улар бу муаммоларни тадқиқ этишда “шахс экологик маданияти барча тарбиявий ишлар маҳсулидир” - деган концептуал ғояга таянган ҳолда ёритиб беришга ҳаракат қилганлар [5:15-16].

Асрлар мобайнида таркиб топган халқ тафаккурининг табиий муҳитни, унинг турли-туман ўсимлик ва жониворларини муҳофаза қилиш, ресурсларига эҳтиёткор муносабатда бўлиш ҳаётий қадриятга айланиб, глобал амалий аҳамият касб этаётганлиги ёки экологиянинг назарий методологик асосларини ривожлантириш зарурияти ҳозир ҳеч кимда шубҳа уйғотмаса керак.

Шунинг учун жаҳон ҳамжамиятининг кишилар ҳаёт тарзига янги экологик анъаналарни жорий қилиш, онги ва дунёқарашини илмий асосланган экологик тушунчалар билан бойитиш вазифаларини кун тартибига қўйилиши тасодифий эмас. Чунки экологик маданиятни ҳам, дунёқарашни ҳам табиат ва жамият ўзаро алоқадорлигини ўрганиш (гносология), экологик кадриятларни ҳаётга жорий қилиш (праксиология) нуқтаи назаридан янги истиқболли фан йўналиши бўлиб, уларнинг ўзаро интеграциялашуви кадриятлар тизимининг икки турини: маданий кадриятлар ва табиий кадриятларни ўзида мужассамлаштиради. [6:22]

“Экологик маданият” тушунчаси нисбатан янги бўлишига қарамасдан, ҳозир фалсафий адабиётларида бу тўғрисида кўплаб қарашлар ва таърифлар берилган. Хусусан, Н.Ш.Бозорова, “Экологик маданият – табиатни муҳофаза қилиш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, экологик ҳис-туйғуларни шакллантириш, фаол ҳаётий нуқтаи-назарда туриш, экологик билимга эга бўлишдан иборатдир” - деб талқин этса, У.Г.Саидова мазкур тушунчага “экологик маданият – бу табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф-муҳитга нисбатан инсон фаолиятининг юксак кўрсаткичи, онгли ва масъулиятли ёндашувидир”, [7:26] - деб изоҳлаган.

И.Т.Суравегина “экологик маданият” тушунчаси мазмунига инсоннинг табиатга муносабати контекстида ёндашиб: “Экологик маданият” – одамнинг экологик билимлари, унинг бу билимларга ижобий муносабатининг ўсиб боровчи бирлигидан иборатдир,[8:63] деб таъриф берган. Бизнинг назаримизда, бу таърифда шахс ва жамиятнинг маънавий компонентларига, хусусан билимига кўпроқ эътибор берилиб, экологик амалиётга етарли эътибор қаратилмаган.

Рус олимлари А.А.Мелкумова ва Г.И.Любкарскийлар фикрича, “экологик маданият” бир қанча таркибий қисмлардан: эътиқод, билим, кўникма ва малака, фаолият ва хулқ-атвор меъёрлари ҳамда ҳис-туйғулардан иборат [9:47]. Яъни, “экологик маданият” тушунчасининг ассосий

негизларини экологик билимлар, экологик онг, табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалий кўникма ва малакалар доирасида олиб қарайдилар.

Бу таърифларнинг барчасига хос умумий тамон экологик маданиятни, у ёки бу хусусиятларига кўра, экологик дунёқараш асоси сифатида эътироф қилиши билан муайян аҳамиятга эга.

Бугунги кунда табиат, жамият ва шахс муносабатларини уйғунлаштириш долзарб аҳамият касб этиб, кишиларда экологик маданиятни юксалтириш, давлат сиёсати даражасида вазифалардан бирига айланган. Зеро, юртбошимиз айтганидек, “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”. [10:570]

Булардан ташқари, экологик маданият инсоннинг табиий борлиққа субъектив муносабати ҳисобланиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш эҳтиёжини англашида, экологик хавфсизликка таҳдидларни бартараф қилиш имкониятларини, усул-воситаларини қидириб топишда намоён бўлади [11:143]. Шу таркибий қисмларни ўзида мужассамлаштирган инсонда, маълум маънода экологик дунёқараш, илмий экологик тафаккур, ижтимоий экологик фаоллик ва масъулият, ўз-ўзини экологик баҳолаш ва назорат қилиш каби ҳислатлар шаклланган дейиш мумкин.

Таҳлил этилган масалаларни умумлаштириб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) маънавий-маданий қадриятлар тизимидаги экологик дунёқарашга дахлдор тарихий, гнесологик ва ижтимоий-амалий манбаларни шахс экологик маданиятини ривожлантиришга йўналтирилиши муҳим методологик ва амалий аҳамиятга эга;

2) шахс экологик дунёқарашини шаклланишида: экологик идрок, тасаввур, тушунча ва тафаккур муҳим субъектив омиллар бўлиб, уларни миллий ҳамда

умуминсоний кадрятлар билан алоқадорлик нуктаи назаридан норматив-аксиологик томонларини фундаментал тарзда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга;

3) экологик миллий кадрятларнинг аҳамиятини кучайтириш ва мақомини мустаҳкамлашда маданиятлар экологиялашуви ва умуминсоний мақомга эга бўлиши, глобал экологик муаммолар ечимини топишда муҳим субъектив омил ролини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каган М.С. Культура как объект философского исследования // Роль духовной культуры в развитии личности. Сб. науч. трудов Гос. института культуры им. Н.К. Крупской. 1979, С.12.
2. Алиев М. Табиат ва тақдиримиз. - Тошкент.: Медицина, 1989, 32-б.
3. Махмудова Ш.Л. Экологическая культура как фактор гуманизации отношения общества к природе. Диссерт. на соискании учен. степ. канд. филос. наук. – Ташкент. 1994. С. 65
4. Левинская В.О. Понятие, структура и функции экологической культуры. Дисс. уч. степ. канд. филос. наук. –Ташкент.: 2000, С. 11
5. Икромов Э.Ж., Хатомов А.А. Шахсинг экологик маданияти. -Тошкент.: Ибн Сино, 2001, 15-16-бетлар.
6. Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари. Пед. фан. ном. илм. дараж. дисс. –Қарши.: 2006, 41-б.
7. Саидова У.Г. Экологик маданият тарихи ва унинг ривожланиш босқичлари. Фал. фан. ном. дис. автореферати. –Тошкент.: 2008, 26-б.
8. Суравегина И.Т. Основы общей экология. - М.: МДС, 1998. с. 63.
9. Мелкумова А.А. Любкарский П.И. Основы экологии. - М.: 1975, с. 47.
10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. 570- б.
11. Маликова О. Талабаларда экологик муҳитни шакллантириш. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. №3, 2007. 143-б.